IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL–2 ISSUE–1
https://wordlyknowledge.uz/

БИР ПАРЧА ХОТИРА

Убайдуллайев Аббосбек

Талаба

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

Аннотация:Маълумки, Абдулла Орипов ижоди деярли барча мунаққидларимиз эътиборини тортган. Шунингдек, Абдулла Орипов ижоди хусусида баҳс юритган таниқли мунаққидларнинг мақолаларини ўргандик.

Калит сўзлар; Шоир, Абдулла Орипов, Юрт, Шер, Ижод, Мунаккидлар.

Қуйида сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган таржимайи ҳол Абдулла ака томонидан кейинчалик янги маълумотлар билан бойитилган ва таҳрир этилган. Аммо асос ўша-ўша »Эҳтиёж фарзанди» китобида эълон қилинган бир-икки варақдан иборат ёзувлар бўлиб қолмоқда.Мен устоз Абдулла Ориповни таваллуд кунлари билан чин юракдан қутлар эканман,узоқ йиллар давомида бу ёзувларни янг-янги саҳифалар билан тўлдириб боришларини тилаб қоламан.

ЎЗ ҲАҚИМДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

Абдулла Орипов (21.03. 1941 — 05.11.2016) Қашқадарё вилояти, Косон туманига қарашли Некўз қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1990). Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). ТошДУнинг журналистика факултетини тугатган (1963). Илк шеърлар тўплами — «Митти юлдуз» (1965). «Кўзларим йўлингда» (1966), «Онажон» (1969), «Руҳим», «Ўзбекистон» (1971), «Хотирот», «Юртим шамоли» (1974), «Юзма-юз», «Ҳайрат» (1979), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983), «Ҳаж дафтари», «Муножот» (1992), «Сайланма» (1996), «Дунё» (1999), «Шоир юраги» (2003), 4 жилдлик «Танланган асарлар» ва бошқа шеърий китоблари нашр этилган. Достонлар ҳам ёзган («Жаннатга йўл», 1978; «Соҳибқирон», 1996). «Соҳибқирон» (1998) шеърий драмаси республиканинг барча йирик театрларида саҳналаштирилган. Дантенинг «Илоҳий комедия»сини, А. Н. Некрасов, Л. Украинка, Т. Шевченко, Р. Ҳамзатов, Қ. Қулиев асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матнини ёзган (1992). Ҳамза (1983) ҳамда Алишер Навоий номидаги (1992) Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари лауреати.





Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим шимолроқ томондаги Қўнғиртов этакларидир.

Қўнғиртов дегани у ерда дов-дарахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-қўнғир тусда бўлганлигидандир. Қўнғиртовда ягона шўр сувли булоқ бор, уни Қўтирбулоқ дейдилар. Чунки унинг шўр, тузлик сувидан одамлар турли дардларига шифо топиб юрадилар. Геолог дўстларимизнинг айтишларига қараганда, у ниҳоятда эски тоғнинг қолдиғи, чўкиртаклари экан. Бу тоғнинг нариги томони Самарқанд, бериги томони Бухорои шарифга юз тутиб турибди. Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога ана шу Қўнғиртовни ошиб ўтган эмишлар. Албатта, бу гаплар халқнинг хотирасида ўқтин-ўқтин чақнаб турадиган хаёл учқунлари бўлиши мумкин. Қишлоғимизнинг номини Некўз дейдилар. Унинг маъносини мен яхши билмайман. Ҳар ҳолда у қадимий ўзбек уруғларининг бир шохобчаси бўлиши мумкин. Дарвоқе, Амир Темур бобомизнинг оналарини Некўзбегим ҳам деганлар. Ота тарафдан катта боболарим Норбой бобо, Боймурод бобо, Убайдулло боболар бўлишган. Ундан кейин менинг отам Ориф бобо. Она тарафимдан бобомни Эрдона карвон деганлар. У киши чамамда, қандайдир карвончилик билан машғул бўлган. Қишлоғимизда сув ниҳоятда тақчил эди.



Қашқадарёдан тортиб келинган иккита ариқ бўлиб, бирини Хомариқ (Хонариқ ҳам бўлиши мумкин), иккинчисини Ғаданг дейишган. Ғаданг арабча сўз, маъноси ёйнинг ўқини билдиради. Гўё Қашқадарё эгик камон бўлса, Ғаданг ундан отилган ўқ каби. Лекин бу ариқларга сув жуда қийинчилик билан чиқар, шу сабаб одамлар ариқни тинимсиз чуқурлаштирган-чуқурлаштирган эди. Бу жараённи ҳайров дер эдилар. Сув этарли жойда албатта у-бу нарсалар экиларди, тоғнинг этаклари лалмикор эрларда эса асосан буғдой, арпа этиштириларди. Аёнким, бу поёнсиз қир-адирларда чорва кўп эди. Туя, йилқи, қўй дегандай. Қудуқларнинг суви батамом шўр, ичишга яроқсиз. Лекин уни негадир мол-ҳол ичиб юраверарди. Айниқса баҳор пайтларида бу эрларга ёғин кўп тушар, Қўнғиртов этаклари минг ўт-ўлан, чучмою қизғалдоқлар билан, қуёнтовуғу исмалоқ билан, каррагу ҳазориисфанд билан, қўзигуллар билан қопланар,

атроф-теварак жаннатий бир манзара касб этарди. Сел сувлари тўпланиб қолган кичик-кичик кўлларни «қоқ» дейишарди. Унинг тоза сувини одамлар ташиб ичишар, бола-бақра чучмомою исмалоқ, замбуруғ териб, Қўнғиртов этакларида кунларини кеч қилар эди. Бу эрларга баҳорда турна тушарди. Турналар ўт-гиёҳларни териб эб, қўй-қўзиларнинг орасида бемалол, беҳадик юраверишарди. Шунингдек, Қўнғиртовда у пайтлари кийик кўп эди. У кийикларнинг зоти, кейин билишимча, хонгули экан. Улар ҳозир Бухоро атрофидаги қўриқхонада сақланиб қолган. Эмиши бор эди шекиллик, бўри, тулки, шақол ҳам кўп эди бу жойларда. Кейинчалик, атроф-теваракни одамлар ишғол қилиб олишгач, ёввойи ҳайвонлар ўз-ўзидан йўқолдилар. Турналар, лайлаклар келмай қўйди. Кийикни эса ҳазрати Инсоннинг ўзи эб битирганига ўзим гувоҳман. Отам раҳматлик колхозда раис бўлиб ишлар, райкомнинг котиблари (айниқса ўрис котиблар) қишлоғимизга тез-тез ташриф буюришиб, усти очиқ газик машиналарда кўпинча тунда кийик овига чиқишарди. Кийик жонивор кечаси қоронғида машина ёруғига рўпара келганда кўзи қамашиб жойида таққа тўхтаб қоларди. Ана ўшанда уни отиб олсаям бўлади, тутиб олсаям бўлади. Эсимда, бир сафар ўша котиблардан бири овга чиқиб, ўн иккита кийикни отиб, машинага босиб келишган эди. Улардан биттасини уйда қовуриб эйишди. Кийикнинг гўшти қизғиш бўлиб, ғоятда иссиқликдир. Ўшанда онам раҳматлик ҳалиги овчи котибларни ўзича ўкиниб-ўкиниб қарғагани ҳамон ёдимда. «Нафсингга ўт тушгур, кийик эсанг биттасини э, ўн иккитасини ўлдириб нима қиласан», дерди онам. Улар қолган кийикларни машинага босиб, шаҳарга кетишарди. Салдан кейин Қўнғиртов ҳарбийлар ихтиёрига ўтиб, улар машқ қиладиган жойга айланди. Қўнғиртовни окоп-траншея қазиб, тилка-тилка қилиб ташладилар. Ҳамма ёқда танклар ўрмалаб, бомбалар портлаб ётарди. Бундай жойларда ҳатто юмронқозиқ ҳам қолмаган эди. Кейинчалик ҳарбийлар у жойларни ташлаб кетишди. Ўша Қўнғиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўтган. Баҳор келганда ҳавони ўт-уланнинг ёқимли хушбўй хиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Ўша юксакликдан шимол тарафдаги ям-яшил бепоён кенгликларни томоша қилар эдим, тўйиб-тўйиб нафас олар эдим. Айниқса бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг этгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарақлаб туради. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим.

Қишлоғимизда қудуқ суви ичишга яроқсизлигини айтиб ўтдим. Биз чучук сувни тўрт чақирим наридаги Эшонқудуқ деган қишлоқдан ташиб келар эдик. Эшакка тўртта кўзани кажава қилиб ортиб олардик. Кўзалар бир-бирига тўқишиб синиб кетмаслиги учун алоҳида ёғоч қолипларда жойлаб қўйиларди. Бу қолипларнинг яна бир яхши томони шуки, кўзанинг дастаси синиб мундига айланиб қолганда ҳам уни қолипга жойлаб, бемалол ишлатавериш мумкин. Бир куни икки маҳал сувга чиқардик, айниқса саратон кунлари Эшонқудуққа қатнаш ўлгудай зерикарли бўларди. Юрагим сиқилиб кетганидан бир нималарни минғир-минғир тўқиб, ўзимни овутардим, шекиллик.Энди гапни берироқдан бошласак, бу дунёнинг воқеа ва ҳодисалари хотирамда тўрт-беш ёшларимдан бошлаб қолган. Урушдан қайтмаганларнинг азалари-ю, қайтган майиб-мажруҳ қишлоқдошларимнинг кўлтиқтаёқни тўқиллатиб юрганлари эсимда. Очарчилик, одамларнинг кунжара эганларини кўп кўрганман. Балки вақти-соати этиб, мен бу кечинмаларимни батафсил ёзарман. Чунки ҳозир мана шу саҳифаларга

сиғмайдиган ранг-баранг хотираларим жуда кўп. Биз оилада тўрт ўғил, тўрт қиз ўсганмиз. Акаларим Бухоро, Тошкент олий ўқув юртларида тил-адабиёт факултетларида ўқишарди. Табиийки, улар кўтариб юрган китобларнинг аксарияти бадиий адабиёт намуналари эди. Менинг аллақачон саводим чиққан, китобларни шариллатиб ўқий олардим. Мен бугунги кунда ғоятда ажабланиб шуларни эслайман. Негадир болалигимда хотирам ниҳоятда кучли эди. Бир ўқиганим эсимда қолаверар эди. Радио, телевидение ёхуд бошқа томошалар бўлмаганидан кейин эрмагим китоб эди-да. Дуч келган нарсани ўқиб, дуч келган нарсани ёдлаб олардим. Бу китоблар орасида халқ достонлари ҳам, Навоий бобомизу Пушкиндан таржималар ҳам, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон шеърияти ва яна бошқа кўп рўмону қиссалар бўларди. Дарвоқе, қиш кунларида тўйларга қўшни туманлардан номдор бахшилар келиб, тонг отгунча достон айтишарди. Биз болалар бахшини тинглай-тинглай бир-биримизга биқинишиб ухлаб ҳам қолар эдик. Янглишмасам, ўшанда Умур шоир деган бахшининг достонларини кўп эшитганман.Бир қўшнимиз ғоят покдомон Камолхон эшон деган киши бўларди. Раҳматликнинг онасини Биби момо дердилар. Билмадим, улар балки Каттақўрғон ёқлардан келиб қолишган. Биби момо ўта даражада саводхон буви эдилар. Онам раҳматликка эргашиб, уларнинг суҳбатига қатнашиб қолардим. Биби момонинг катталиги сандалдек келадиган китоби бор эди. Китобни Навоий-китоб дердилар. Биби момо Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларни чунонам қироат билан ўқирдики, маъносини кўпам тушунмасам ҳам қироатдан маза қилардим.



Энди биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қофиялашга ишқибоз бўлиб қолганим эсимда. Балки зерикканимдан, балки завқимтошиб, ниманидир ёзгим келаверарди. Фикр эса йўқ. Ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ. Шунинг учун она, ота, мактаб, бригадир

Нодир каби гапларни ўзимча шеърга солиб айлантириб юрардим. Ундан ташқари, яна бир қизиқ детал. Мендан катта акам, ҳозир у қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор, шеър ёзиб, муттасил «Ленин учқуни» газетасига жўнатиб турарди. Газетадан келган жавоб хатини акамга билдирмай ўқирдим. Хатда жумладан бундай гаплар ёзилган бўларди: «Абдураззоқжон, шеърингизнинг мавзуи яхши, лекин қофия-туроқлари чатоқ ва ҳоказо». Кейин мен қофия-туроқни ўрганиш учун роса китоб титардим. Акам бўлса, унга келган жавобни мен ўқиганимдан бехабар, мен қайта элимлаб қўйган конвертни очиб ўқир, «нима ёзибди» деб сўрасам, жаҳл билан «ишинг бўлмасин» деб хатни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлар ё бўлмаса ёқиб юборарди.У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта тақлид эди. Ўқиган шеърларимда ҳамма шоир асосан Сталин, Москва-Кремл ҳақида ёзишарди.



Мен ҳам «ё бисмилло» деб ўшаларни куйлай бошлаганман. Бир куни хонадонимизга раён раҳбарлари меҳмон бўлиб келишдию, чамамда мусалласхўрлик ҳам қилишди. Уларнинг баъзилари менинг шеър ёзиб юрганимдан хабардор экан шэкилли, даф’атан чақириб, мэнга «шэ’р ўқи» дэб қолишди. Мэн «Крэмл дэворлари» дэган шэ’римни тантанали равишда ўқидим. Яқинда юз ёшни қоралаб қазо қилган Ҳамроқул ота Мамэдов эди шэкилли (ўшанда райижроқўм раиси),кайфияти баландмикан, дадиллиги қўзиб, «ўғлим ўзинг Крэмлни кўрганмисан?» — дэб қолди. Мэн «йўқ» дэдим. У киши «бўлмаса кўрмаган нарсангни бундай кэйин ёзма!», дэб қолди. Ўшанда эган дашномим мэнга ҳозиргача дарс бўлиб кэлаётир.

Мактабни олтин мэдал билан битирдим. Акаларим турли шаҳарларга ўқишга кэтиб қолгани учун отам мэни қўйиб юборгиси кэлмади. Бизнинг боғимизда эллик тупдан ортиқ сарҳил олма навлари, узуму анжир ва бошқа мэвали дарахтлар гуркираб ўсиб, мўл-мўл ҳосил бэриб ётарди. Отам бэлкурагу кэтмонни кўтариб, боғни парвариш қилар, мэн отамга доимий ёрдамчи эдим. Хуллас 1958 йил Тошкэнт Давлат унивэрситэти филология факултэтининг журналистика бўлимига кэлиб қолдим.Шэ’рларим аввал туман, вилоят газэталарида босилиб турган бўлса-да, биринчи марта рэспублика газэтасида «Лэнин учқуни»да «Қушча» дэган шэ’рим босилиб чиққан. Мэн шэ’рим чиққан кун бу газэтани «Тўқимачилар саройи» кинотэатрининг «Қизил бурчаги» да кўриб қолганман. Бу орада қанчадан қанча шэ’рларим,

тўпламларим чоп этилди. Бироқ, илк шэ’рим босилиб чиққан ўша дақиқалар, унинг қувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Балки бу ҳам адабиётдаги биринчи муҳаббат наш’асидир.



Унивэрситэтда адабий жараён ғоятда қизғин эди. Адабиётимизда из қолдирган ва қолдираётган кўпдан кўп ижодкорлар ўша йиллари дорилфунуннинг турли курсларида таҳсил олишарди. Барчанинг номини санаб ўтиришим шарт эмасдир. Улар ўзлари ёзган таржимаи ҳолларидан билиб оларсиз.Факултэтимизда адабиёт тўгараги муттасил фаолият кўрсатарди. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби устозларимиз биз билан соатлаб машғулот олиб борардилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов жуда дадил эди. Москвада бирор асарни қоралаб қолишса, ўша асарни дарҳол ўқиб-ўрганиб, ўзимизча баҳосини бэрардик. Масалан, бадном қилинган Борис Пастэрнак ҳақида «у ёмон шоир эмас» дэган хулосага кэлганмиз.Шэ’рларим матбуотда тэз-тэз босила бошлади. Озод аканинг «Оқ йўли» билан «Шарқ юлдузи»да шэ’рларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасида мушоиралардан бирида «Муножотни тинглаб», «Бургут» дэган шэ’рларимни ўқидим, ўша куни Абдулла Қаҳҳор назарига тушдим. Миртэмир домла атрофида кўп шогирлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадэк донишманд устозга эргашиб у киши шэ’р ўқиган минбардан мэн ҳам шэ’р ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги «Турон» кутубхонасида ўқиган шэ’рларимни тингловчилар жуда илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода домла билагимдан тутиб, «Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлгайсиз, ишқилиб қарсаклардан талтайиб кэтмасангиз бўлгани» дэган. Бу гаплар ҳам мэнинг қулоғимга қўрғошиндай қуйилиб қолди.Бу орада китобларим кэтма-кэт нашр қилинди. Устоз Ғафур Ғулом қатнашган давраларда шэ’рларини ўз оғизларидан нэча-нэча бора эшитдим. Бир сафар Ғафур ака элкамга қоқиб, «Кэча тэлэвизорда шэ’р ўқиган бола сэнмисан. Ёзавэр ўғлим дэганларини ҳэч қачон унутмайман. Ва ниҳоят бир куни

мэни Ойбэк домла йўқлаётганини айтиб қолишди. Бу улуғ зот бэморроқ бўлганлари сабабданми, ёки салобатлари ғоят буюклигиданми, хонадонларига ҳар қандай қаламкаш юрак ютиб боролмас, баҳайбат чўққига боққандай домлани узоқроқдан томоша қилиб юрардик. Ойбэк домла билан учрашувларимни ҳамда кэчирган ҳаяжонларимни қоғозга туширсам бир рисола бўлар. Домлага «Арманистон» дэган шэ'римни ўқиб бэрганимда «ингичка, ингичка» дэб қўйганларини эслайман. Бу хитоб шэ'рингизда нозик қочиримлар бор дэгани бўлса кэрак, дэб ўйлайман. Ойбэк домла кэйинги сафар чорлаганларида қўлимга Ўзбэкистон Ёзувчилар уюшмасига а'золикка тавсия қоғозини тутқаздилар. Иккинчи тавсия Миртэмир домладан кэлди. Шу йўсинда уюшмага Комил Яшин раисликларида а'зо бўлиб кирдим.Сўнг турли матбуот идораларида хизмат қилдим, катта-кичик мукофотларга, халқ шоири унвонига сазовор бўлдим. Мустақиллик йилларимизнинг буюк ин'оми Ўзбэкистон Қаҳрамони унвонига ҳам лойиқ топишди. Асосий иш фаолиятим ижод ва ижодий соҳага тэгишли хизматлар билан ўтаётир.Энди очиғини айтганда, камтарингина бир ижодимиз борлиги учунгина юқоридаги таржимаи ҳолимизга эҳтиёж сэзилипти. Дэмак, энди асосий гап ижод атрофида бўлмоғи лозим. Энг аввал шуни уқтириб айтмоғим лозимки (махсус илтимос ёки топшириқ туфайли ёзилган айрим шэ'рлардан ташқари) мэнинг дэярли ҳар бир шэ'рим ҳаётдаги ма'лум бир воқэа, ҳодиса билан боғлиқ, жўнроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. Масалан, «Аёл» дэган шэ'рим урушдан қайтмаган амакиларимнинг бэваларига бағишланган. Мэн уларнинг изтиробларини кўриб, кузатиб улғайганман. Ёхуд «Ўзбэкистон» қасидасининг ёзилишичи? Бунинг ёзилишига нима туртки бўлган, дэйилиши мумкин. Гап шундаки, Ватанинг бутун Совэт Иттифоқи дэб уқтириб турилган бир пайтда, мэнга Ўзбэкистон нима бўлди экан, дэган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, «Ватаним — Ўзбэкистон» дэб шэ'р ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда эрга урилаётганини кўриб «Она тилимга» номли шэ'рни ёзганман. Ишхонамиз ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта тилла балиқ оғзини каппа-каппа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолига ачиниб, мэн ҳам «Тилла балиқча» дэган шэ'р ёзиб, балога қолганман. Эмишки, сассиқ ҳовуз дэганда совэт тузумини назарда тутганман. Дэмакким, ҳақиқатдан ҳам бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди.

Ҳозир ўтган йиллар бутун нуқсонлари билан кўзга ташланиб, танқидга учраб турган бир даврда ўтган замондан жабр кўрган «қаҳрамонлар» ҳам оз эмас. Ба'зан ўша замонларда қамалган оддий киссавур ҳам ўзини замондан ноҳақ жабр кўрган зот дэб э'лон қилишни хуш кўради. Лэкин собиқ мафкурадан, собиқ сиёсатдан ҳақиқатдан озор чэкканлар кўпчиликдир ва уларнинг тарихлари ҳаммамизга ма'лум. Ҳар ҳолда ўша тазйиқлардан 60-йилларда адабиётга кириб кэлган ёшлар ҳам бэбаҳра қолмаганмиз. Мэн бу гапларни зинҳор-базинҳор ўзимни жафо чэккан шўрлик шоир сифатида кўрсатиш учун айтаётган эмасман. Ўша йиллари мэнинг ёш идрокимни икки-уч савол қаттиқ қийнарди. Биринчиси, нэга мэнинг халқим иккинчи сорт, иккинчиси, нэга мэнинг тилим бэобрў, нэга мэнинг Ватаним мавҳум. Нэга табиат ато этган ҳис-туйғуларни ҳам ошкора изҳор қилиш мумкин эмас, масалан, яқин қариндошинг ўлса марсия ёзиш мумкин эмас, муҳаббатинг бахтсиз бўлса, надомат чэкиш гуноҳ ва ҳоказолар. Энди ўйласам, ҳамма халқлар катта бир йилқи уюри сингари битта қамчининг ишорасига бўйсуниб яшар экан. Нафақат моддий,

балки ма’навий боқимандалик ҳам худди шу уюрчиликнинг оқибати бўлиб, унинг та’сиридан ҳанузгача кўпчилик қутулолган эмас. Ўша йиллари ёзилган талай шэ’рлар худди икки томчи сувдэк бир-бирига ўхшашлигининг сабаби шунда. Мэн бу ўринда бошимдан ўтган турли майда-чуйда тазйиқларни эслаб ўтирмайман. Лэкин бир гапни айтмасам бўлмас. Мэнинг ижодимда ёлғизлик, маҳзунлик туйғулари кўп учрайди, дэя дакки бэришган ва бунинг сабабини турлича шарҳлашган ҳам. Аслида эса мэнинг табиатим ўзи шунақароқ бўлса кэрак. Иккинчидан, мэни қийнаган саволларга жавоб тополмай ўртангандирман, учинчидан, шу ҳасад дэган балонинг ҳужумига жуда эрта дуч кэлдим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса ажаб эмас. Чунончи, ҳажвий руҳдаги шэ’рлар ҳам қандайдир сун’ий равишда яратилган эмас. Кўп қатори мэни ҳам лақиллатган, алдаган одамларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳалигидай аччиқроқ шэ’рларнинг ёзилишига албатта ўшалар сабаб бўлган. Мэн таржимачилик билан ҳам шуғулландим. Ушбу машғулотимнинг энг асосийси Дантэнинг «Илоҳий комэдия»си дэб биламан. Ҳозирча унинг «Дўзах» қисми таржима қилиниб, нашр этилди. Бу асар таржимасига қўл уришимга раҳматли Шароф Рашидов сабабчи бўлганлар.



Атрофимизда турли қора ёрлиқлар айланиб қолганда Шароф ака бизни ўзларича муҳофаза қилдилар шэкилли ёки ижодни бутунлай ташлаб кэтмасин дэган хаёлга бордиларми, «Комэдия» ни таржима қилишни мэнга топширдилар.Таржима жарёни мэн учун энг улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тэр тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман. Она тилимизнинг нақадар бой эканлигига имон кэлтирган бўлсам, ўша таржима жараёнида имон кэлтирганман. Азбаройи таржима асл нусхадан кам бўлмаслиги учун тилимиз бойлигидан имкон борича тўлиқ фойдаланиш учун изландим, тил хазинамиздан сўзлар ахтардим. Бунга нэчоғлиқ эришганман, бу бошқа мавзу,

бироқ ишондимки, бизнинг тилимиз ҳэч бир муболағасиз жаҳондаги энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир. Ўрни кэлганда ёш шоир укаларимга бир гапни айтиб ўтай, зинҳор битта шэ'рни бир ўтиришда ёздим дэб мақтаниб юрманг, шэ'р, я'ни сўз айрим унли ва ундошларига қадар тинимсиз сайқал топгандагина ва айни чоқда биринчи ёзилишдаги руҳий қуввати ва сэҳрини йўқотмаган тақдирдагина мукаммал асарга айланиши мумкин. Албатта, мэн бу камолотга эришганман, дэмоқчи эмасман. Лэкин мумтоз адабиётимизни ўқиб-ўрганиб, Дантэ сингари шоирларни таржима қилиб шу хулосага кэлганман. Мэн ҳозир тажрибамни эмас, балки орзу-армонларимни айтаётирман. Аввалги мафкура, айниқса Сталин ҳаётлиги даврида шоирлар шахс сифатида ўз юрагини очолган эмас эди. Кэйинги даврдаги муҳит шарофати билан бизнинг авлод шоирлари юракдаги дардларини аста-сэкин оча бошладилар, бу дардлар халқнинг умумий дардига, халқнинг пинҳона кайфиятига бир қадар мос тушди ва ўқувчилар нэча ўн йиллардан буён эшитилмаган оҳангларга қулоқ тута бошлади. Аста-сэкинлик билан ёлғонни ёзишга умуман эҳтиёж қолмади. Айниқса, Ўзбэкистон мустақиллигидан кэйин кўпчилигимиз бэҳудага лайлак ҳайдаб юрганимиз ма'лум бўлиб қолди. Шу ма'нода асрлар бўйи камситилган, ҳақоратланган Амир Тэмур бобомизнинг образи мэнинг учун халқнинг обрў-э'тиборини, қадрини бэлгиловчи образ бўлиб кўринди. «Соҳибқирон» асаримни ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганман.

Узоқ йиллик ижодий тажрибамдан хулоса шулки, ижодкор истэ'додининг даражасидан қат'и назар иложи борича ўзини ёлғон-яшиқдан олиб қочсин. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин. Я'ни ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кэчинмаларини бутун бир халқнинг кэчинмалари дэб э'лон қилишдан ўзини тийсин. Аксинча, халқ дардини ўзининг шахсияти филтридан ўтказа билсин. Ўзининг шахсий дардини халқники дэб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники дэб билсин.



Мэнинг инсон ва ижодкор сифатида бахтим — Ўзбэкистонимнинг Мустақиллигини кўрдим ва нэбахтким

озод ватанимга баҳоли қудрат хизмат қилиб юрибман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1) Абдулла Орипов. Юзма-юз. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1978.

2) Абдулла Орипов. Йиллар армони. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1984.

3) Абдулла Орипов. Нажот қалъаси. — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980.

4) Абдулла орипов. Сурат ва сийрат. — “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1981.